

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАШНАЗАРОВ САМИДДИН НИЗАМОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Ташназаров Самиддин Низамович

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш 3

Ташназаров Самиддин Низамович

Совершенствование теоретических и методологических основ финансовой отчетности в условиях модернизации экономики 33

Tashnazarov Samiddin Nizamovich

Enhancing of the theoretical and methodological bases of financial reporting in the condition of the modernization of economy 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАШНАЗАРОВ САМИДДИН НИЗАМОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2017.2DSc/Iqt49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Уразов Комил Бахромович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Курбанов Зият Ниязович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Туйчиев Алишер Жўраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 «А» уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60«А» уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н. Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

С.У. Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И. Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё мамлакатларида чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари умумтан олинган халқаро меъёрлар ва стандартларга ўтиш ҳамда уларга амал қилишга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу бевосита «халқаро бизнес тили» сифатида умумтан олинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиға ҳам дахлдордир. Ҳозирги кунда «1 та халқаро концептуал асос, 29 та Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲХС) ва 17 та Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ва 33 та стандартларга интерпретациялар»¹ амалиётга жорий қилинган. Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг шўъба ва бошқа боғлиқ компаниялари билан биргаликда МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни ихтиёрийлик асосда тузмокдалар. Шу боис, МҲХСларини эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, шу асосда молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида гармонизациясига эришиш, илғор тажрибалардан миллий даражада самарали фойдаланиш барча мамлакатлар учун энг долзарб масаладир.

Жаҳонда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг интеграциялашуви шароитида молиявий ҳисобот унификацияси, ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, молиявий ҳисобот конвергенцияси ва гармонизациясининг методологик масалалари, молиявий ҳисобот элементларини таснифлаш, тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида молиявий инструментлар, операцион сегментлар, қўшма тадбиркорлик фаолиятлари натижалари, ҳаққоний қийматда баҳолаш, шартномалар бўйича тушумларни тан олиш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш, шунингдек, қўшимча молиявий ҳисобот масалаларини такомиллаштиришга эришилган. Лекин ушбу натижаларнинг барча мамлакатларда тўлиқ жорий қилиниши амалга оширилган эмас, шунингдек, МҲХСларини қўллаш ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларни инобатга олишни кўзда тутди.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботни МҲХСларга мувофиқлаштириш ҳамда унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилди. Жумладан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, уларни халқаро аудит стандартлари асосида аудитдан ўтказиш ва нашр эттириш тартиблари амалиётга жорий этилди. Халқаро стандартларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда «700 дан ортиқ акциядорлик

¹<https://www.ifrs.org/ua/mezhdunarodny-e-standarty-finansovoj-otchyotnosti/>; www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/

жамиятлари, 5008 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар»² МХХСлар асосида молиявий ҳисобот тузишга ўтмоқдалар. Бироқ ушбу эришилган ютуқлар республикамизда молиявий ҳисобот муаммолари тўлиқ ҳал этилганлигини билдирмайди. Шу билан бир қаторда, таъкидлаш жоизки, стратегик вазифалардан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботни такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлар ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»³ устувор вазифасининг қўйилиши ҳам сифат менежментига ўтишда асосий стандартлар сифатида МХХСларини тан олиш ва уни кенг жорий этиш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда молиявий ҳисобот воситасида ахборотларни халқаро стандартлар талабларига мос ҳолда хорижий инвесторлар ва бошқа ахборот фойдаланувчиларига тақдим этиш, МХХСлари асосида молиявий ҳисобот трансформацияси методологияси ҳамда молиявий ҳисоботнинг янги шакллари ишлаб чиқиш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини иновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

² Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Тошкент 2017. –Б.146.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, International Accounting Standards Board (IASB), American Institute of Certificate Public Accounting (AICPA), Institute of Charter Accounting in England and Welles (ICAEW), Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche, KPMG, Nottingham Trent University (Буюк Британия), Халқаро Вестминистер университети (Буюк Британия), Россия иқтисодиёт университети, Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) ҳамда уларга интерпретацияларни ишлаб чиқиш асосида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш қоидалари ишлаб чиқилган (International Accounting Standards Board, American Institute of Certified Public Accountants); МҲХСлари талабларига мувофиқ молиявий ҳисобот шакллари тавсия этилган ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни абзопшин костинг (absorption costing) тизими асосида, пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузиш методологияси тавсия этилган (Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche ва Ernst & Young, University of California at Davis); молиявий ҳисоботнинг уйғун ва ҳаққоний акс эттирилишига имкон қадар эришиш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳамда молиявий иқтисодий инқироз ҳолатини яхшилашга таъсири аниқланган (University of Chicago, Texas state university, IASB); молиявий ҳисоботнинг консолидацияси, молиявий инструментлар, қўшимча молиявий ҳисоботнинг методологик масалалари такомиллаштирилган (IASB, University of Memphis, Santa Clara University); дунё мамлакатларида МҲХСларига ўтиш зарурияти, ундаги рисклар ва муаммолар ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ва МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот трансформацияси услубиёти ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги молия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти).

Жаҳонда молиявий ҳисоботнинг назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ривожланиб келаётган мамлакатларда,

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи - www.library.princeton.edu; <https://www.cebr.com>; <http://www.ucalgary.ca>; www.forbes.com/colleges/stanford-university; <https://www.universityofcalifornia.edu>; en.nagoya-u.ac.jp; <https://www.ifrs.org/groups/international-accounting-standards-board/>; <https://www.aicpa.org/>; <https://www.icaew.com/>; <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ru/.../ifrs-in-your-pocket-2016-ru.pdf>; https://gaap.ru/upload/iblock/354/iuppwbfp_tyvv%20fzvhh%20ohcgiy%20stkr_2012_1-30.pdf; 147. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, уни қўллаш ёки унга мувофиқлаштириш; молиявий ҳисобот гармонизацияси, транспарент молиявий ҳисоботни шакллантириш ҳамда молиявий ҳисобот компиляциясининг методологик масалалари; МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузиш, турли хил миллий валютадаги мамлакатларда халқаро молиявий ҳисоботга трансформациялаш, консолидациялаш ҳамда корпоратив молиявий ҳисоботни такомиллаштириш; компаниялар банкротлигини олдиндан бартараф этиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида молиявий ҳисоботнинг фойдалилиги, ишончлилигини ҳамда ахборот ташувчанлигини ошириш йўллари; бухгалтерия рискларининг молиявий ҳисоботнинг сифатига ҳамда бухгалтерия ҳисоботларида ахборотларнинг шаклланишига таъсирини аниқлаш методологиясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий иқтисодчи олимлардан М.Р.Метьюс, П.Айнсворт, К.Д.Ларсон, Р.Либби, Р.Ҳ.Ҳермансон, Р.Энтони, Б.Нидлз, Ф.Вуд ва бошқа олимлар⁵ молиявий ҳисоботнинг назарий концептуал асослари ҳамда активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални тан олиш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг методологик масалаларини; Ж.Д.Списеленд молиявий инструментлар ва қўшимча молиявий ҳисобот (additional financial reporting) масалалари, Д.Алихандер⁶ молиявий ҳисобот гармонизацияси (harmonisation); В.П.Астахов, В.Качалин, М.И.Кутер, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, В.И.Ткач, В.Г.Гетман, Т.Ю.Дружиловская каби олимлар⁷ ўз ишларида МҲХСларини ўз мамлакатларида қўллаш масалаларини тадқиқ этганлар.

Кейинги йилларда республикамизда ҳам молиявий ҳисобот масалаларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди ҳамда илмий мақолалар, монографиялар ва дарсликлар чоп қилинди. Булар жумласига, К.Б.Ахмеджанов, А.К.Ибрагимов, Ш.И.Илхамов, И.Н.Исманов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, Б.Ю.Махсудов, С.У.Меҳмонов, Ҳ.Н.Мусаев,

⁵ Ainsworth, Penne. Introduction to Accounting: An integrated Approach /Penne Ainsworth, Dan Deines, R. David Plumlee, Cathy Xanthaky Larson. Irwin, Printed in USA, 2005. 425 p.; Anthony, Robert Newton. Accounting principles /Robert N. Anthony, James S. Reece, D.B.A. - 7th edition, Irwin, 2006. 686 p.; Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 2004. 926 p.; Larson, Kermit D. Financial Accounting /Kermit D. Larson, Paul B. W. Miller. 6th ed. Irwin, 2005. 686 p.; Libby, Robert. Financial accounting /Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Irwin, Printed in USA, 1996. 848 p.

⁶ Spiceland J. David. Intermediate accounting. /J.David Spiceland, James F. Sepe. Mark W. Nelson/ 7 th ed. 2013; International Financial Reporting and Analysis, 4- Edition. D. Alexander, A. Britton, A.Jorissen. 2009. 39-59-p

⁷ Я.В.Соколов. Очерки по истории бухгалтерского учета.–М.: Финансы и статистика, 1991.–400 с.; В.Ф.Палий. Международные стандарты финансовой отчетности.–М.: ИНФРА-М., 2003-456с.; М. И.Кутер. Теория и принципы бухгалтерского учета: Учеб. пособие.–М.: Финансы и статистика, Экспертное бюро, 2000.–544 с.; В.В.Качалин. Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами GAAP.–М.: Дело, 1998. –432 с.; В.П.Астахов. Теория бухгалтерского учета.–Издательский центр «МарТ», 2000.–416 с.; В.Г.Гетьман. О концептуальной основе международных стандартов финансовой отчетности //Международный бухгалтерский учет, 2007, № 12; Т.Ю.Дружиловская Гармонизация финансовой отчетности: теория и российская практика. Автореферат докторской диссертации по экономике Научная библиотека диссертаций и авторефератов disserCat <http://www.dissercat.com/content/kontseptsiya-i-metodika-formirovaniya-finansovoi-otchetnosti-v-uchete#ixzz58bGIIvrr>

М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, М.Э.Пўлатов, А.Ж.Туйчиев, М.М.Тулахаджаева, К.Б.Уразов, Б.К.Хамдамов, Б.А.Хасанов, К.Р.Хотамов, Р.О.Холбеков, З.Н.Курбанов, И.Н.Кўзиев ва бошқаларнинг⁸ изланишларини киритиш мумкин.

Юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида узоқ муддатли активлар, товар-моддий бойликлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг методологик масалалари тадқиқ этилган. Р.Д.Дусмуратов ва У.И.Тулаев⁹ томонидан тайёрланган илмий ишда молиявий ҳисоботнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ўрганилган. И.Очилов¹⁰ суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш масалаларини тадқиқ этган. М.Марпатов¹¹ ўз мақоласида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларини ёритган.

Мазкур муаллифларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлсада, лекин ушбу ишларда молиявий ҳисобот шаклларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, молиявий ҳисоботни трансформация қилиш ҳамда ҳисоботни тузишнинг илғор хорижий усулларини қўллаш масалалари етарлича очиқ берилмаган. Бундан ташқари, ушбу муаммоларни бир-бирига узвий боғлиқликда ва бутун бир яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган илмий ишлар ҳам етарли эмас. Буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

⁸ А.К.Иброҳимов., А.А.Каримов. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби.–Т.: «Ўзбекистон», 1999. -143 б.; Аудит. Дарслик I-жилд. (М.М. Тулахаджаева, Ш.И.Илхамов, К.Б.Ахмеджанов ва бошқалар. ТДИУ. –Т.: NORMA 2008. -320 б.; И.Н.Исманов. Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари. Монография.–Т.: Фан, 2006. - 172 б.; Б.И.Исроилов. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.:Ўзбекистон, 2006; Б.Ю.Махсудов. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (DsC) дисс. автореферати. -Т.: ТМИ, 2018; С.У.Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Дис...икт.фан б д-ри. -Т.: ТМИ, 2018.; Ҳ.Н.Мусаев. Миллий иқтисодиётни янги босқичга кўтаришда бухгалтерия ҳисобининг туган ўрни ва такомиллаштирилиши //Иқтисод ва молия. 2017 й. №12, -33-36-б.; М.К.Пардаев, И.Т. Абдукаримов, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Солиқ Академияси, 2009. -76 б.; М.Э.Пўлатов. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. -166 б.; А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев. Бошқарув ҳисоби. -Т.: «Ғафур Ғулом» матбаа ижодий уйи. 2008 й.-252 б.; А.Ж.Туйчиев. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. – Тошкент. 2011.; К.Б.Уразов. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. - Т.: Фан, 2005. -236 б.; Б.К.Хамдамов. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. - 172 с; Б.А.Хасанов. Темир йўл транспорти корхоналарида асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштириш: Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2012. -128 б.; Р.Холбеков. Бухгалтерия ҳисоби фани: ўтмиши ва бугуни // Бозор, пул ва кредит Ж. –2002. – №6. –57-59-б.; З.Н.Курбанов. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис...икт.фан б д-ри. -Т.: БМА, 2006. - 272 б.; И.Н.Кўзиев. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б. К.Р.Хотамов. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш. Монография. –Т: Молия, 2016.-168 б.;

⁹ Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари.-Т.: "Extremum-Press", 2012, -144 б.

¹⁰ И.Очилов Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш. //Бозор, пул ва кредит Ж. -2012.-№7.-Б. 57-61.

¹¹ М.Марпатов. Бухгалтерия баланси – молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот. //Бозор, пул ва кредит Ж. -2016.-№11.-Б. 20-24.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Мамлакатни модернизациялаш ва инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илғор хорижий тажрибалар асосида молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг мустақил иқтисодий фан сифатида шаклланишини белгиловчи омилларни тизимлаштириш ҳамда «молиявий ҳисобот» ва «молиявий ҳисобот трансформацияси» тушунчаларига такомиллашган таърифларини асослаш;

молиявий ҳисоботнинг активлар, мажбуриятлар ҳамда хусусий капитал элементларини баҳолаш ва ҳисобга олишнинг услубий тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бухгалтерия балансида активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал таркибини МҲҲСларига мувофиқлаштириш асосида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ҳамда «Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»нинг шакллари тавсия этиш;

илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш асосида «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот»нинг мазмуни, таркиби ҳамда тузиш тартиби ва тақдим қилинишининг методологик асосларини такомиллаштириш ҳамда ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузишда трансформация формулаларини ишлаб чиқиш;

«Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот» мазмуни ва таркибини МҲҲСлари ва илғор тажрибаларга мувофиқ ҳолда такомиллаштириш;

«Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот», «Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот»лар мазмуни ва таркибини такомиллаштириш ҳамда ушбу ҳисоботларни илғор хорижий тажрибалардаги вериайбл костинг (variable costing) тизими асосида тузиш услубиётини таклиф этиш;

молиявий ҳисоботни МҲҲСлар асосида трансформация қилишнинг моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб республикамизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги масъулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган муносабатлар ҳамда жараёнлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, бухгалтерия ҳисоби, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг қамраб олаётган ахборотларини белгилаш орқали «молиявий ҳисобот» ҳамда амалга ошириш кетма-кетлиги ва қайта ташкил этиш жараёнига аниқлик киритиш йўли билан «молиявий ҳисобот трансформацияси» тушунчалари таърифлари такомиллаштирилган;

замонавий ёндашувлар асосида молиявий ҳисоботнинг активлари қиймати ва мажбуриятларини баҳолаш ҳамда хусусий капитали элементлари ўзгаришини ҳисобга олишнинг услубий тартиб-қоидалари такомиллаштирилган;

ҳалқаро талаблардан келиб чиқиб, бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятлар таркиби ҳамда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг янги шакли ишлаб чиқилган;

илғор хорижий тажрибалар асосида «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот»нинг мазмуни ва таркиби такомиллаштирилган ҳамда ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузишда трансформация формулалари ишлаб чиқилган;

«Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот»нинг мазмуни ва унинг таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш асосида ушбу ҳисоботнинг янги шакли ишлаб чиқилган;

«Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот», «Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот»ларнинг шакллари ҳамда ушбу ҳисоботларни тузишда вериайбл костинг (variable costing) тизимини қўллашнинг услубий тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад ва харажатларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг илғор усулларини қўллаш натижасида ҳисоботларда акс эттирилаётган молиявий ахборотларнинг ишончлилиги ва аҳамиятлиги салмоқли даражада ошган;

«Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот», «Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот», «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот» ва «Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот»ларнинг такомиллашган шакллари тавсия этилганлиги ахборот фойдаланувчиларга корхоналарнинг молиявий ҳолатини асосли баҳолаш имкониятини, шунингдек, молиявий ҳисоботларни МХХСлари асосида трансформацияси таъминлаган;

«Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот», «Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот»ларнинг мазмуни ва таркибини такомиллаштириш асосида шакллари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилганлиги ахборотларнинг объективлиги ва ҳаққонийлигини оширган ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш имкониятлари яратилган;

захиралар ҳисобини юритишда узлуксиз ҳисоб тизими «1С-Предприятие дастурида омбор ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг автоматлаштирилган мобиль иловаси» дастури ишлаб чиқилганлиги (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг DGU 05536-сон гувоҳномаси. 2018 йил 27 июлда давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган) захиралар ҳаракатига доир

тезкор ҳисоботи асосида назорат ўрнатилган ҳамда маблағлар айланишини тезлаштириш ҳисобидан иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, корхоналарга оид маълумотларнинг ҳисобот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда ҳамда корхоналар томонидан молиявий ҳисоботни тузишда фойдаланишга жорий қилинганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти молиявий ҳисоботни сифат жиҳатдан мазмунан такомиллаштириш, уни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатимизда «Молиявий ҳисоб ва ҳисобот», «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти корхоналарнинг активлари, мажбуриятлари ва хусусий капиталини тан олиш ва баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва услубий тавсияларда ўз ифодасини топади. Илмий натижалардан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлари асосида:

«молиявий ҳисобот» ҳамда «молиявий ҳисоботнинг трансформацияси» тушунчаларига такомиллашган таърифлари 5A230901 – «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)», 5A230902 – «Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» мутахассисликлари талабалари учун тавсия этилган «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фани бўйича муаллиф томонидан ёзилган дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғи билан тасдиқланган муаллифлик гувоҳномаси). Ушбу таърифларнинг дарсликка киритилиши молиявий ҳисоботнинг назарий асосларини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

замонавий ёндашувлар асосида молиявий ҳисоботнинг активлар, мажбуриятлар ҳамда хусусий капитал элементларини баҳолаш ва ҳисобга олиш бўйича услубий тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий

қилиниши орқали активлар, мажбуриятлар ҳамда хусусий капитални баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришга ҳамда молиявий ҳисоботнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эришилган;

халқаро талаблардан келиб чиқиб, бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятлар таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 февралдаги 16-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақидаги» буйруғида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги АК 17-01-35/317-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига монанд ҳолда молиявий ҳолатни ёрқин акс эттириш имкониятини берган;

илғор хорижий тажрибалар асосида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг мазмуни ва таркибини такомиллаштириш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 февралдаги 16-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақидаги» буйруғида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги АК 17-01-35/317-сон маълумотномаси) ҳамда ҳисоботнинг янги шакли ва ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузишда трансформация формулалари Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2018 йил 22 октябрдаги 108-сон ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот сифатининг ошиши ҳамда халқаро тажрибалардаги бевосита ва билвосита усулларнинг қўлланилишини таъминлаган;

хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни ва унинг таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш асосидаги ҳисоботнинг янги шакли Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2018 йил 22 октябрдаги 108-сон ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий ҳисобот шакллариининг бир-бирига узвий боғлиқлигини ҳамда ҳисоботларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида трансформациясини таъминлаган;

фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ва маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари ҳамда ушбу ҳисоботларни тузишда вериайбл костинг (variable

costing) тизимини қўллашнинг услубий тартиби Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2018 йил 22 октябрдаги 108-сон маълумотномалари). Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши корхоналарда бошқа тўплам даромадларни таҳлил қилиш ҳамда доимий харажатларни назорат қилиш имкониятини ошириш орқали маҳсулот бирлиги таннархини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 24 та, жумладан 8 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 64 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 5 та монография, 1 та муаллифлик ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 32 та мақола, шундан 27 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган. 2 та монография халқаро GlobEdit томонидан Lamber Academic Publishing нашриётида чоп этирилган ва интернет сайтига жойлаштирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 229 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг фан сифатида шаклланиш хусусиятлари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг мақсади ва мазмуни, молиявий ҳисоботнинг ҳозирги ҳолати ҳамда унинг назарий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда натижалар ва хулосалар баён қилинган.

Тадқиқот натижасида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тараққий этиш қонуниятлари бўйича муҳим хулосалар қилинди. Агар 1494 йили «иккиёқлама ёзув» асосида ҳисоб ғояси яратилган, 1973 йилдан

бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро интеграциялашуви бошланган бўлса, 2030 йилга бориб молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида тўлиқ халқаро гармонизацияси ва бир хиллигига эришилиши кутилмоқда.

Молиявий ҳисоботни бошқарувнинг муҳим дастаги сифатида модернизациялаш деганда, молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини ахборот фойдаланувчилар манфаатларига мувофиқлаштириш, ахборотларга ишлов бериш ва уларни узатишда энг илғор усул ва услублар ҳамда такомиллашган ҳисобот шакллари жорий қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботни модернизациялашда МХХСларга босқичма-босқич ўтилмоқда. Жумладан, ўқув режалари халқаро тажрибаларга мувофиқлаштирилиши муносабати билан «Молиявий ҳисоб» фани «Молиявий ҳисоб ва ҳисобот» деб ўзгартирилди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда молиявий ҳисоб ва ҳисобот фанини дунё даражасига олиб чиқиш ва уни фан сифатида шакллантиришдаги омилларни янги талқинда ёритиб бериш ва тизимлаштириш муҳим аҳамият касб этади (1-жадвал).

1-жадвал


Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг фан сифатида шаклланиши асослари¹²

Асослар	Тавсифи
Мақсади	Ахборот фойдаланувчиларни қарорлар қабул қилишлари учун ҳисоб субъектлари молиявий ҳолати, унинг операциялар таъсирида ўзгариши, пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати ҳамда даромад ва харажатлари тўғрисида ахборот билан таъминлаш
Ҳисоб субъектлари	Хусусий корхоналар, «шерикчилик жамиятлари»*, акциядорлик жамиятлари, йирик корпорациялар, ишлаб чиқариш кооперативи ва унитар давлат корхоналари, банклар ва кредит ташкилотлари, бюджет ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари
Предмети ва объекти	Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад ва харажатлар ҳамда молиявий-иқтисодий ҳодисалар (жараёнлар)
Қоидалар ва принциплари	Асосий фундаментал қоида: фаолиятнинг узлуксизлиги, доимийлик ва ҳисоблаш; Фундаментал сифат тавсифи: уйғунлик, ҳаққоний ва объектив тақдим этиш
Методи (усул ва услублари)	Объектларни тан олиш, баҳолаш, ахборотларга ишлов бериш, гуруҳлаш ҳамда узатишда қўлланиладиган усул ва услублар мажмуаси
Процедураси ҳамда цикли	Пулда ўлчаниладиган иқтисодий ҳодисаларни тан олиш, идентификациялаш, ўлчаб баҳолаш, қайта ишлаш, молиявий ҳисоботлар тузиш ва тақдим қилишда бажариладиган бухгалтерия ҳаракатларининг энг самарали мантиқий кетма-кетлиги
Бухгалтерия ҳисоби жараёни маҳсули (молиявий ҳисоботлар)	Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия жараёни натижасининг маҳсули ҳисобланади. Уларга молиявий ҳолат тўғрисидаги, фойда ва зарарлар ва бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги, пул оқимлари ҳақидаги, хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда изоҳлар, ҳисоб сиёсати ва тушунтиришлар киради
Ахборот фойдаланувчилари	Корхона менежерлари; мулкдорлар, потенциал инвесторлар ва кредиторлар; қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари (солиқ ва статистика органлари); бошқа ахборот фойдаланувчилар

*Шерикчилик жамиятларига масъулияти чекланган жамиятлар, қўшимча масъулиятли жамиятлар ва бошқа шерикчилик асосидаги корхоналар киради.

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот фанининг муҳим хусусияти унинг ўзига хос процедурага ҳамда циклга эга эканлиги ҳисобланади. Илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш асосида молиявий ҳисоб ва ҳисобот жараёнини куйидаги босқичларга ажратамиз (1-расм):



1-расм. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот жараёни босқичлари¹³.

Бизнинг фикримизча, дунёдаги молиявий ҳисоб ва молиявий ҳисобот жараёни илғор тажрибасидан келиб чиқиб, трансформацион ишчи баланс тузиш амалиётига ўтишимиз керак. Ишчи баланс счётларнинг қолдиқларини трансформацион ёзувлар асосида молиявий ҳисоботнинг шаклларига ўтказишни амалга оширувчи муҳим жадвал (регистр) ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш босқичида ишчи баланс ва жадваллари ёрдамида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ҳақидаги ҳисобот, хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботлар тузилади. Ҳисоботлар ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлгандан сўнг топ менежерлар томонидан тасдиқланади ва қарор қабул қилувчиларга тақдими амалга оширилади.

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар асосида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда тартибга солинишини халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби умумий принципларининг ва миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисоби соҳаси бўйича энг илғор тажрибаларни умумлаштириш ва жорий қилиш, бухгалтерларни сертификатлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган бухгалтерларнинг мустақил профессионал ташкилоти ҳисобланадиган Ўзбекистон Профессионал бухгалтерия ҳисоби институтини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот ишида институтнинг зарурияти исботланди, унинг мақсади ва вазифалари белгилаб берилди.

Миллий адабиётларимизда бухгалтерия ҳисоботи иш ва фаолият натижаларини ифодаловчи шакллар сифатида тавсифланган¹⁴. Уларда молиявий ҳисоботга берилган таърифлар молиявий ҳисобга берилган таърифлардан мазмунан фарқ қилмаган. Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботни таърифлашда унинг молиявий бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми, унинг ахборот таъминоти функцияси ва мақсадини амалга оширишда муҳим восита ҳамда процедурасида асосий бўғин, шунингдек, молиявий ҳисобнинг бутун натижалари молиявий ҳисоботларда мужассамлашиши, унинг асосий мақсади ахборот фойдаланувчиларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолати, фаолиятнинг молиявий натижалари, пул маблағлари ҳаракатига доир ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш эканлигини инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотлар асосида «молиявий ҳисобот»га қуйидагича таърифни келтирамиз: Молиявий ҳисобот - бу молиявий бухгалтерия ҳисобининг мақсади, функциялари ва вазифаларини амалга ошириш воситаси бўлиб, унинг ёрдамида корхонанинг ўтган даври учун молиявий ҳолати, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти натижалари, пул маблағлари ва хусусий капиталнинг ўзгаришига доир ишончли ахборотларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда ахборот фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш ва назорат учун ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган тизимдир.

Молиявий ҳисоботнинг тузилиши, унинг таркиби, алоҳида вазиятлар ва ҳолатларнинг қамрови, корхоналарнинг бирлашиши ва консолидациялашишга доир ҳисоботлар, қамраб олиш даври, иқтисодий субъект тури ва аудит қилиниши, асосий ва қўшимча турларга бўлиниши каби белгилар асосида таснифи ишлаб чиқилди. Ишда молиявий ҳисоботни тақдимот қилиш жараёни, ахборот фойдаланувчиларнинг гуруҳи, уларнинг ахборотга бўлган қизиқишлари ҳамда қабул қиладиган қарорлари мазмуни йўналишлари тизимлаштирилди. Бу эса молиявий ҳисоботнинг ҳамма фойдаланувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таркиби ва мазмунини шакллантириш имконини беради.

¹⁴ Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. –Т.: «NORMA», 2009, -Б - 40.

Мамлакатимизда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботнинг шакллари қуйидаги таркибда белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2-жадвал).

2- жадвал

А. Молиявий ҳисоботнинг асосий мажбурий шакллари¹⁵

№	«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда	МҲХСларига мувофиқ ҳолда таклиф этилади
1	Бухгалтерия баланси	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот
2	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўпلام даромадлар тўғрисидаги ҳисобот
4	Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот	Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот
5	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот
	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар	Изоҳлар, ҳисоб сиёсатининг қисқача тавсифи ва бошқа тушунтиришлар

Б. МҲХСлари талабларига мувофиқ ўтган даврлар ҳисоботи

Таққосланадиган ахборотлар: давр бошида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот; ўтган давр учун фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўпلام даромадлар тўғрисидаги ҳисобот
Ўтган ҳисобот даврлари учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (агарда корхона МҲХСларини биринчи марта қўллаб ҳисоб сиёсатига ретроспектив ўзгаришлар киритса ёки молиявий ҳисобот моддаларини қайта таснифлашни амалга оширса)

В. Молиявий ҳисоботнинг ихтиёрий (қўшимча) шакллари

1	Даромадлар тўғрисидаги ҳисобот
2	Таксимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот
3	Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот
4	Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
5	Номоддий активларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
6	Сегментал молиявий ҳисоботлар

Бухгалтерия баланси лотинчадан «bilanx» - тарозининг икки палласи деган маънони англатади¹⁶. Бухгалтерия баланси инглиз тилида «balance sheet» деб юритилади, яъни, «қолдиқлар жадвали» деган маънони англатади. Ҳисоботнинг «қолдиқлар жадвали» деб номланиши унинг расмий мақомига мос келмайди. Шу боис, тадқиқот ишида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда «бухгалтерия баланси» атамасининг ўрнига «молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот» атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Амалдаги молиявий ҳисоботнинг асосий шакллари мазмуни, ахборотлар таркиби таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар аниқланди. Жумладан, ҳисоботнинг назарий концептуал масалалари; баланс моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлик даражасини ҳисобга олиш; активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар ҳамда хусусий капитални тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда илғор тажрибалардан фойдаланиш; молиявий ҳисоботлар ва изоҳларда акс эттириладиган ахборотлар қатори; ҳисоботларнинг янги номлари ва шакллари ишлаб

¹⁵ Муаллиф томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун ҳамда МҲХСлари асосида ишлаб чиқилган.

¹⁶ <https://www.google.com/search?q=бухгалтерский+баланс&rlz>


чиқиш каби масалаларни қайд этиш лозим. Ишда ушбу масалаларни ҳал этиш йўналишлари белгиланди.

Молиявий ҳисоботнинг назарий асослари ҳисоботнинг мақсади, унинг концептуал асослари, молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмлари ва элементлари, ҳисоботларда акс эттириладиган ахборотлар мазмуни ва бошқа муҳим масалаларни қамраб олади. Молиявий ҳисобот назарий асосларининг энг муҳим (асосий) таркибий қисмларини куйидагича ифодалаймиз (2-расм).



2-расм. Молиявий ҳисобот назарий асосларининг энг муҳим (асосий) таркибий қисмлари¹⁷

Тадқиқотлар жараёнида молиявий ҳисоботнинг назарий асослари таркибий қисмлари таҳлил қилинди. Жумладан, молиявий ҳисоботнинг мақсадига таъриф берилди ва уни амалга оширишнинг модели ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Молиявий ҳисоботнинг модели¹⁸

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий ахборотлар молиявий ҳисоботларда акс эттирилади, молиявий ҳисобот белгиланган муддатларда ахборот фойдаланувчиларга тақдим қилинади. Улар томонидан ҳисоботлардаги ҳақиқий маълумотларнинг режалар ҳамда бюджетлардан четланишлари аниқланиб, уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Бошқарувчилар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, режа ва бюджетларга ўзгартиришлар киритиш ва корхона фаолиятига доир бошқа муҳим қарорлар қабул қилади. Ташқи ахборот фойдаланувчилар ҳам инвестиция киритиш борасида ўз муносабатларини билдиради. Бу қарорлар узвийлик асосидаги боғлиқлик (feedback) бўйича корхонанинг режалари, бюджетлари, бажарилишлари ва молиявий-иқтисодий операцияларига ўз таъсирини кўрсатади. Натижада, фаолият жадаллашади ва иқтисодий самарадорлик ошади.

Ишлаб чиқарилган тавсиялар асосида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда сифат тавсифи принциплари таркибига уйғунлик, объектив ва ҳаққоний акс эттириш каби асосий тамойиллар киритилиши таклиф этилди.

Диссертациянинг «**Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг методологик асосларини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг моҳияти, тақдим қилиниши, узоқ муддатли активлар, жорий активлар ва мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқотларимиз натижасида илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ишда молиявий ҳисоботнинг асосий элементлари ҳисобланган машина ва асбоб-ускуналар, товар-моддий захиралар ҳисобига оид қоидалар ҳамда машина ва асбоб-ускуналарнинг бошланғич таннархини идентификация қилиш тартиби, жорий активлар таркибини тизимлаштириш, захиралар таннархини шакллантириш, мажбуриятларни баҳолаш ва таснифлашнинг услубий тартиб-қоидалари такомиллаштирилди.

Ишда чет эллик олимлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси БҲМСларида қисқа муддатли мажбурият турларининг эътироф этилиши, уларни илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш, иш ҳақи ва у билан боғлиқ жараёнлар ҳамда дивидендлар бўйича мажбуриятларни янги тизимга ўтказиш методологияси таклиф этилди.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг таркибини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги жадвални тузамиз (3-жадвал).

**Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тўғридан-тўғри акс
эттирилаётган ахборотлар қатори¹⁹**

77.1 Асосий воситалар (мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар)
77.2. Номоддий активлар
77.3. Инвестициявий кучмас мулк
77.4. Молиявий активлар (77.5, 77.8, 77.9 ва 77.11 дан ташқари)
77.5. Ҳиссали қатнашиш асосида киритилган инвестициялар
77.6. Биологик активлар
77.7. Товар-моддий захиралар
77.8. Савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари
77.9. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари
77.10. Сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли активлар ва чиқиб кетаётган гуруҳлар активлари
77.11. Жорий ва муддати узайтирилган солиқ активлари
77.12. Савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари
77.13. Резервлар (ажратмалар)
77.14. Молиявий мажбуриятлар (77.12 ва 77.13дан ташқари)
77.15. Солиқ мажбуриятлари (77.16 дан ташқари)
77.16. Фойда солиғи бўйича мажбуриятлар
77.17. Хусусий капитал ва резервлар

МХХСлар ва илғор тажрибалар асосида молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши шарт бўлган ахборотлар қаторидан келиб чиқиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар учун трансформация мақсадларида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот шакли таклиф этилди. Жумладан, ушбу ҳисоботнинг узоқ муддатли активларга доир қисми куйидаги кўринишга эга бўлади (4-жадвал).

Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида бир даврдан ортиқ хизмат қиладиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки маъмурий бошқарув жараёнида фойдаланадиган «мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар» таркибини стандарт талабларидан келиб чиқиб мустақил белгилашлари керак, деб ўйлаймиз. 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да «мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар»нинг халқаро стандартларга мувофиқ таркибий моддаларини келтириш ҳамда ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик ўсимликларни биологик актив сифатида тан олиш тамойилларини белгиловчи стандарт ишлаб чиқиш керак. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ «инвестициявий кўчмас мулк» (080-сатр), «биологик активлар» (120-сатр) ҳамда «сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли активлар ва чиқиб кетаётган гуруҳлар активлари» (150-сатр) учун балансда алоҳида сатр ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

¹⁹ Муаллиф томонидан БҲМС ва МХХС асосида ишлаб чиқилган.

4-жадвал

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда узоқ муддатли активларга доир ахборотларни акс эттириш (минг сўм)²⁰

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот йили охирига
I. Узоқ муддатли активлар			
Узоқ муддатли моддий активлар, жами (040+050+060):	010	8010337	7147472
Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар бошланғич қиймати (таркибий моддалари бўйича)	020	13829829	12857480
Жамғарилган амортизация (депресиация)	030	6627088	6708713
Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар баланс қиймати (020-030)	040	7202741	6148767
Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар	050	123144	100296
Тугалланмаган капитал қуйилмалар	060	684452	898409
Узоқ муддатли номоддий активлар баланс қиймати (таркибий моддалари бўйича)	070	-	-
Инвестициявий кўчмас мулк	080	-	-
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатлар	090	441438	441438
Узоқ муддатли инвестициялар (таркибий моддалари бўйича)	100	462560	1235825
Муддати узайтирилган солиқ активлари	110	-	-
Биологик активлар	120	48450	48450
I-бўлим жами (010+070+080+090+100+110+120)	130	8962785	8873185
Сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли ва чиқиб кетаётган гуруҳлар активлари	150	-	-

Ахборот фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳамда стандартлар талабларига мувофиқ тўғридан-тўғри молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳлар ва тушунтиришларда акс эттирилиши шарт бўлган таркибий моддалари тўғрисида ахборотларга эга бўлиш мақсадида «Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар ҳаракати тўғрисидаги» ҳисобот тузилиши мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган ҳисобот шаклида активларнинг тасарруф этилиши, хатоларни тўғрилаш ва кадрсизланишидан зарар каби мазмунан янги кўрсаткичлар акс эттирилди ҳамда уларни ҳисоблашнинг методологик тартиби келтирилди. Бу эса ҳисоботлар ва уларда акс эттирилаётган кўрсаткичларни МҲХСларига мувофиқлаштиради ҳамда ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига монанд келади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда салмоқли элементлардан бири товар-моддий захиралар ҳисобланади. Халқаро ва миллий стандартлар талабларидан келиб чиқиб, ҳисобот мақсадларида товар-моддий захиралар таннархи шаклланиши ва ўсиб бориш жараёнини қуйидагича акс эттирилиши таклиф этилди (4-расм).


²⁰ Муаллиф томонидан «Самарқанддонмахсулотлари» АЖ компаниясининг 2017 йил учун бухгалтерия баланси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

Тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, захиралар таннархи (ЗТ) - бу захиралар харид таннархи (ЗХТ), захираларни қайта ишлаш таннархи (ЗҚИТ) ва бошқа устама харажатлари (БУХ) йиғиндисидан иборат. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ЗТ = ЗХТ + ЗҚИТ + БУХ (1)$$

Ушбу таклиф ва тавсиялар захиралар таннархини тўғри шакллантириш ҳамда молиявий ҳисоботда захираларга оид ишончли ва уйғун ахборотларни акс эттириш имкониятини беради. Бу эса захираларни бошқариш бўйича асосли қарорлар қабул қилишни таъминлайди.

Ҳисоботнинг шаффофлигини ошириш мақсадида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда қисқа муддатли активларнинг қуйидаги моддалари учун алоҳида сатрлар ажратиш таклиф этилди: шартнома бўйича активлар (180-сатр), харидор ва буюртмачиларнинг товар (маҳсулот, иш) сотилиши бўйича қарзлари (савдо қарзлари) (192-сатр), харидор ва буюртмачиларнинг узоқ муддатли активлар сотилиши бўйича қарзлари (193-сатр), боғлиқ томонлар (шўъба корхоналар, ажратилган бўлинмалар) қарзлари (195-сатр), даргумон қарзлар бўйича резерв (203-сатр), жами дебиторларнинг соф қиймати (210-сатр).



4-расм. Захираларнинг ҳаракати давомида таннархининг шаклланиши ҳамда ўсиб бориш жараёни²¹

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда мажбуриятларнинг қуйидаги моддаларини акс эттириш таклиф этилди: мол етказиб берувчиларга товар (материаллар, иш ва хизматлар) бўйича тўланадиган счётлар (402-сатр), мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга капитал қуйилмалар бўйича тўланадиган счётлар (403-сатр), кредиторларга бошқа операциялар бўйича тўланадиган счётлар, боғлиқ томонлар (шўъба ва алохида ажратилган корхоналар)га қарзлар (410-сатр), фойда солиғи ва бошқа солиқлар бўйича қарзлар (430-сатр) ва кафолатлар бўйича мажбуриятлар (500-сатр).

Ушбу тавсиялар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни МХХСларига мувофиқлаштиради ва унинг фойдалилик даражасини оширади.

Диссертациянинг «Пул оқимлари ҳақидаги ҳамда хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботларнинг мазмуни ва таркиби» номли учинчи бобида илғор хорижий тажрибалар асосида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг методологик асослари ҳамда шерикчилик жамиятлари ва акциядорлик жамиятларида хусусий капитални тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг 040-сатр «Умумишлаб чиқариш (устама ишлаб чиқариш) харажатлари учун тўловлар» моддасида маҳсулот таннархига билвосита олиб бориладиган умумишлаб чиқариш харажатлари, 050-сатр «Бошқарув ва операцион харажатлар учун тўловлар» моддасида бошқарув ва операцион харажатлар учун амалга оширилган тўловларни акс эттириш тавсия этилди. Шу билан бир қаторда, ҳисоботнинг шаффофлигини ошириш мақсадида молиявий фаолият билан боғлиқ бўлимга 211-сатр «хусусий капиталнинг чегириб олиними»ни киритиш таклиф қилинди.

Ҳисоботнинг «валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома»нинг қисмида 303-сатр «Устав капиталига қўшилган ҳисса», 304-сатр «Акцияларнинг хорижий акциядорларга сотилиши», 306-сатр «Олинган молиявий ёрдамлар»ни акс эттириш тавсия этилди. Бундан ташқари, маълумотноманинг чиқим қисмида 311-сатрни «Чет эл валютасини миллий валютага алмаштириш», 314-сатрни «Таъсисчиларга тақсимланган фойданинг ўтказиб берилиши ёки капиталнинг чиқарилиши», 316-сатр «хорижий акциядорларга дивидендларни ўтказиб бериш»ларни киритиш зарурияти асосланди.

Тадқиқотда пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг таркибий қисмлари бўйича ёндашувлар илмий таҳлил қилинди. Халқаро ва миллий стандартлар ҳамда трансформация талабига мувофиқ келадиган пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг такомиллашган шакли таклиф этилди. Ишда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва «фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисоботлар» асосида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни бевосита ва билвосита усуллар ёрдамида тузиш учун трансформация формулалари ишлаб чиқилди (5-жадвал).

Жорий операцион фаолият бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичларини бевосита ва билвосита усулларда ҳисоблаш формулалари²²

Сатр	Ҳисоботдаги кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формулалари	Формулалардаги белгилашларнинг кенгайтирмаси
010	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари (ПМр)	$ПМр = ЯС + \Delta ОС_1 \text{ ёки } - \Delta ОС_2 - ҚС$ Бунда, дебиторлик қарзлари ҚҚС билан бирга ҳисобланган	ЯР – Ялпи сотиш ҚС – Қайтарилган сотиш $\Delta ОС_{1,2}$ – Олинадиган счётлар бўйича дебиторлик қарзларининг (1) камайиши, (2) кўпайиши
020	Савдо фаолияти бўйича: Материал (товар, иш ва хизматлар) учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари (ПМх)	$ПМх = СТТ + \Delta ТЗ_2 \text{ ёки } - \Delta ТЗ_1 + \Delta ТС_1 \text{ ёки } - \Delta ТС_2$	СТТ – Сотилган товарлар таннари $\Delta ТЗ_{1,2}$ – Товар захиралари қолдигининг (1) камайиши, (2) кўпайиши $\Delta ТС_{1,2}$ – Тўланадиган счётлар бўйича кредиторлик қарзларининг (1) камайиши, (2) кўпайиши
020	Ишлаб чиқариш фаолияти бўйича: Материал (товар, иш ва хизматлар) учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари (ҚҚС билан) (ПМх)	$ПМх = ИЧМ + \Delta МЗ_2 \text{ ёки } - \Delta МЗ_2 + ҚҚС + \Delta ҚҚС_2 \text{ ёки } - \Delta ҚҚС_1 + \Delta ТС_1 \text{ ёки } - \Delta ТС_2$ Бунда, тўланадиган счётлар бўйича кредиторлик қарзлари ҚҚС билан	ИЧМ – Ишлаб чиқаришга чиқарилган материалларнинг қиймати $\Delta МЗ_{1,2}$ – Хом-ашё ва материаллар қолдигининг (1) камайиши, (2) кўпайиши ҚҚС – ИЧМга тўғри келадиган ҚҚСнинг ҳисобдан чиқарилиши $\Delta ҚҚС_{1,2}$ – ҚҚС бўйича қарз қолдигининг (1) камайиши (2) кўпайиши
040	Умумишлаб чиқариш харажатлари (УИЧХ) бўйича тўланган пул маблағлари (ПМух)	$ПМух = ПМм + УИЧХ - \Delta УИЧ_1 \text{ ёки } + \Delta УИЧ_2 - ХА$ Бунда, УИЧХга киритилган материаллар учун тўловлар суммаси юқоридаги тартибда аниқланади	ПМм – УИЧХга киритилган материаллар учун тўланган пул маблағлари $\Delta УИЧХ_{1,2}$ – Ҳисобланган УИЧХ бўйича қарзларининг (1) камайиши, (2) кўпайиши ХА – Ҳисобланган амортизация ва бошқа пулсиз харажатлар
050	Бошқариш ва операцион харажатлар (БОХ) бўйича тўланган пул маблағлари (ПМбох)	$ПМбох = БОХ + \Delta КДХ_1 \text{ ёки } - \Delta КДХ_2 + \Delta ХК_1 \text{ ёки } - \Delta ХК_2 - ХА$	$\Delta КДХ_{1,2}$ – Келгуси давр харажатларининг (1) камайиши, (2) кўпайиши $\Delta ХК_{1,2}$ – БОХ бўйича ҳисобланган қарзларининг (1) камайиши, (2) кўпайиши

Ушбу таклифлар ҳисобот шаклларининг бир-бирига уйғунлиги ва осон трансформацияланиши ва охир натижада ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг фойдалиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Диссертация ишида шерикчилик жамиятларида хусусий капитални ҳақиқатда киритилган маблағлари асосида шакллантириш, таъсисчилар кесимида қайд қилиш ва таъсисчилар томонидан ҳиссанинг қайтариб

²² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

олиниши жараёнларини ҳамда акциядорлик жамиятларида акциядорлик капиталининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби ва уларнинг афзалликлари асослаб берилди. Хусусий капиталнинг ўзгариши ҳисобининг услубий тартиби молиявий ҳисоботда ишончли ва ҳаққоний ахборотларни тақдим қилиш имкониятини беради.

Хусусий капиталнинг таркибий қисмларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги тартибда акс эттиришни тақлиф этамиз (6-жадвал).

Жадвалда хусусий капитал устав капитали, эмиссион капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлардан ташкил топиши кўрсатилди. Амалдаги балансдан фарқли ўлароқ устав капитали ҳиссали капитал ва акциядорлик капиталига ажратилди. Акциядорлик жамиятларида акциядорлик капитали имтиёзли акциялар ва оддий акцияларнинг номинал қиймати, рухсат этилган акциялар сони, чиқарилган акциялар сони кўрсатилган ҳолда акс эттириш тартиби тақлиф этилди. Бу эса баланс ҳисоботининг шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

6-жадвал

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда хусусий капитал таркибий қисмларини акс эттириш²³

(минг сўм)

I. Мажбуриятлар ва хусусий капитал	Сатр	Ҳисобот йили бошида	Ҳисобот йили охирида
Хусусий капитал (250+280+290+300+310+320+330)	240	5419278	-1065969
Устав капитали (260 ёки 270)	250	598250	598250
Ҳиссали капитал (261+262)	260		
Акциядорлик капитали (271+272-290)	270	598250	598250
Имтиёзли акциялар-номинал қиймати Х, рухсат этилган сони Х, чиқарилган акциялар сони Х	271		
Оддий акциялар номинал қиймати 1000 сўм, рухсат этилган сони 598250, чиқарилган акциялар сони 598250	272	598250	598250
Эмиссион (қўшилган) капитал	280	129127	129127
Харид қилиб олинган ўз акциялари сони Х	290		
Резерв капитали	300	2862277	2851981
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	310	1806478	-4668473
Мақсадли тушумлар	320	23146	23146
Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар	330		
I-бўлим жами (240)	340	5419278	-1065969

Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботнинг таркибида устав капиталини акциядорлик капитали ҳамда ҳиссали капитали кесимида акс эттириш, шунингдек, акциядорлик капиталининг таркибини тўлиқ шакллантириш мақсадида оддий акция, имтиёзли акция, захирадаги акция ва

²³ «Самарқанддонмахсулотлари» АЖ компаниясининг 2017 йил учун бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

жами акциядорлик капитали суммаси учун ҳисоботда алоҳида устунлар ажратиш, акциядорлик капитали кўпайиши акцияларнинг сотилиши (020-сатр), акция нархининг ошиши (030-сатр) ҳисобидан эканлигини аниқ акс эттириш, акцияларнинг бекор қилиниши (050-сатр), акция нархининг пасайиши (060-сатр) каби ахборотларни алоҳида сатрда қайд қилиш, курс фарқи учун алоҳида сатрга эҳтиёж қолмаганлиги, шерикчилик жамиятлари учун устав капиталига маблағ киритиш ва маблағни чегириб олиш бўйича алоҳида сатр ажратиш (040-сатр), алоҳида 100-сатрда «ҳисобот даврининг соф фойдаси ва зарари»ни кўрсатиб, ундан дивиденд суммасини (110-сатр) чегириш мақсадга мувофиқлиги исботланди. Ҳисоботда 120-сатр «ҳисоб сиёсатидаги ўзгартиришлар ва хатолардаги тўғирлашлар таъсири» моддаси ҳам жойлаштирилиши лозим. Ушбу ўзгаришларнинг ҳисоботга киритилиши унинг фойдалилик даражасини оширади.

Диссертациянинг «**Молиявий натижаларга оид ҳисоботларни халқаро стандартларга уйғунлаштириш ва молиявий ҳисобот трансформацияси**» деб номланган тўртинчи бобида маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни, тузиш тартиби, «фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот»ни тузишдаги ёндашувлар моҳияти ва услубий жиҳатлари ҳамда МХХСлари асосида молиявий ҳисобот трансформацияси масалалари ёритилган.

Ишда молиявий натижаларга оид ҳисоботларда илғор усуллар, жумладан, Вериейбл Костинг (Variable Costing) тизимининг амалий мисолларда қўлланилиши асосида харажатларни камайтириш йўллари кўрсатиб берилди (7-жадвал).

7-жадвал

Variable Costing тизимида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот²⁴ (минг сўм)

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.
Сотиш, пул бирлигида	448,000	536,000
Сотилган маҳсулотларнинг ўзгарувчан таннархи	188,160	225,120
Ишлаб чиқариш контрибуция маржаси	259,840	310,880
Ўзгарувчан сотиш ва маъмурий харажатлар	80,640	96,480
Контрибуция маржаси	179,200	214,400
Доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари	98,000	98,000
Доимий сотиш ва маъмурий харажатлар	52,000	52,000
Жами доимий харажатлар	150,000	150,000
Соф даромад	29,200	64,400
Сотиш ҳажмига нисбатан доимий харажатлар	0,33	0,28

Variable Costing тизимида маҳсулот таннархи ўзгарувчан харажатлар асосида ҳисобланади. Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот бирлигига нисбатан, доимий харажатлар эса умумий суммада ўзгармайди. Натижада, ушбу тизим ўзгарувчан харажатлар стандарт костинг (standard costing) доирасида бўлган тақдирда ички омиллар ҳисобидан сотиш ҳажмига нисбатан доимий

²⁴ Heitger, Lester E. Cost accounting. 1995. McGraw-Hill. Inc 418-бетида тартиб муаллиф томонидан МЧЖ «American Oilseeds and Grains» маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

харажатларни қисқартириш имкониятларини очиб беради. Корхоналар фаолитида ушбу тизимни қўллаш натижасида сотиш ҳажмига нисбатан доимий харажатлар 0,33 бирликдан 0,28 га қисқарган. Бу эса таннархни бошқаришнинг энг самарали услуби ҳисобланади.

Молиявий натижаларга оид ҳисоботларда сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи бир қанча босқичларда аниқланади. Шу нуқтаи назардан ички фойдаланиш мақсадида маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот шакли таклиф этилди. Ушбу ҳисобот «фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот»ни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таклиф этилаётган шакл жами ишлаб чиқариш харажатлари асосида тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларидаги ишланмалар асосида «Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот»нинг такомиллашган шаклига қуйидаги сатрларни киритиш ва айрим сатрларни бекор қилиш тавсия этилди (8-жадвал).

8-жадвал

**Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги
ҳисоботга таклиф этилган сатрлар²⁵
А. Киритиш тавсия этилаётган сатрлар**

1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи даромад	010
2	Қайтарилган сотиш ва нархини камайтириш	020
3	Тақдим қилинган чегирмалар	030
4	Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари	110
5	Операцион фаолиятдан олинган фойда/зарар (060-070)	120
6	Молиявий активларнинг чиқиб кетиши ва қайта таснифланишидан (реклассификация қилинишидан) фойда	171
7	Молиявий активларнинг чиқиб кетиши ва қайта таснифланишидан (реклассификация қилинишидан) зарар	211
8	Асосий бўлмаган тушумлар	230
9	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар	240
10	Бухгалтерия ҳисоби усул (метод)лари ўзгариши таъсири	260
11	Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) (270-280-290), жумладан, тўғри келади	300
12	Назорат қилинадиган акциядорларга	301
13	Назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссасига	302
14	Акцияга соф фойда (битта оддий акцияга тўғри келадиган соф фойда)	303
15	Бошқа тўплам даромадлар, жами (311+312+313+314), жумладан:	310
16	Мулк: ер, бино ва машина ва асбоб-ускуналарнинг қайта баҳоланиши	311
17	Ассоциациялашган компаниялар мулки қийматининг ошишидаги ҳиссаси	312
18	Ўз кредит рисклари билан боғлиқ молиявий мажбуриятлар адолатли қийматининг ўзгариши	313
19	Хорижий шўъба компанияларни қайта ҳисоб-китоб қилишдан курс фарқлари	314
20	Йил учун жами тўплам даромадлар (300+310)	320

Б. Бекор қилиш тавсия этилаётган сатрлар

1	Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар	090
---	------------------------------------	-----


²⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси (6-7 ҳамда 11-20-моддалар МҲХСларига асосан ишлаб чиқилган).

Тадқиқот жараёнида «молиявий ҳисобот трансформацияси» тушунчасига янги такомиллашган таъриф берилди. Молиявий ҳисобот трансформацияси - бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисобот шакллари моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳолда қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тузатишлар киритиш ва қайта тушунтиришлар асосида ҳисоботларнинг янги тизимига ағдариш жараёнидир.

Трансформация жараёнини амалга ошириш учта босқичга ажратилди: тайёргарлик кўриш, процедурани амалга ошириш ва натижавий босқич. Ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни, кетма-кетлиги мантиқан узвий боғлиқликда ёритиб берилди.

Тадқиқотда корхоналар учун МҲҲСларига ўтишнинг имкониятлари, шарт-шароитлар ва амалга оширилиши шарт бўлган тайёргарлик ишларининг мазмуни кетма-кетликда ва узвий боғлиқликда ёритилди.

БҲМСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботни МҲҲСлари асосида трансформация қилиш модели келтирилди (5-расм).



5-расм. Молиявий ҳисоботни трансформация қилиш модели²⁶.

²⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Тадқиқот ишида трансформацион жадвал шакли таклиф этилди. Ушбу жадвал трансформация жараёнини тўғри амалга ошириш ҳамда МҲХС талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботни олиш имкониятини таъминлайди.

ХУЛОСА

1. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг мақсади, ҳисоб субъектлари, предмети (объекти), қоидалар ва принциплари, методи (усул ва услублари), процедураси ҳамда цикли, бухгалтерия ҳисоби жараён маҳсули, ахборот фойдаланувчилари мавжудлиги унинг мустақил фан сифатида шаклланишини белгилловчи омиллар ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг қамраб олинаётган ахборотларини белгилаш орқали «молиявий ҳисобот» ҳамда амалга ошириш кетма-кетлиги ва қайта ташкил этиш жараёнига аниқлик киритиш орқали «молиявий ҳисобот трансформацияси» тушунчаларининг такомиллаштирилган таърифлари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг хусусиятлари, молиявий ҳисоботнинг турли хил белгилари бўйича таснифи, ахборот фойдаланувчиларнинг гуруҳи тизимлаштирилганлиги молиявий ҳисоботнинг назарий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган фундаментал сифат тавсифи принципларига уйғунлик, объектив ва ҳаққоний акс эттириш каби асосий тамойиллар киритилиши концептуал қоидаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиради, бухгалтерия ҳисобининг меъёрий асосларини мустаҳкамлайди ҳамда молиявий ҳисоботларнинг шаффоф бўлишини таъминлайди.

2. Молиявий ҳисоботнинг асосий элементлари машина ва асбоб-ускуналар, товар-моддий захиралар ҳисобига оид тартиб-қоидалар ҳамда машина ва асбоб-ускуналарнинг бошланғич таннархини идентификация қилиш тартиби, жорий активлар таркибини тизимлаштириш, захиралар таннархини шакллантириш, мажбуриятларни баҳолаш ва таснифлаш, хусусий капиталнинг ташкил топиши ва чегириб олиниши ҳисобининг услубий тартиби такомиллаштирилганлиги молиявий ҳисоботларда уйғун, ишончли ва ҳаққоний ахборотларни акс эттириш имкониятини оширади.

3. Халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий (чизиқли) моддаларига таркибий қуйи моддаларини () очиш ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мос ахборотларни тақдим қилиш имкониятини беради. «Мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар», товар-моддий захиралар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда хусусий капитални тан олиш, баҳолаш, таснифлаш ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш методологиясини такомиллаштириш асосида «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»нинг шакли ишлаб чиқилганлиги унинг зарур ва керакли ахборотларни қамраб олиши ҳамда молиявий ҳолатга ҳаққоний баҳо бериш имкониятларини кенгайтиради ва қабул қилинаётган қарорларнинг сифатли бўлишини таъминлайди. Ички ахборот фойдаланувчилар манфаатидан келиб чиқиб, «Мулк: ер, бино,

машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» шаклини жорий этиш ҳамда ҳисоботга «мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар»нинг қиймати келиб тушиши, модернизация ва реконструкция, технологик қайта жиҳозлаш, тасарруф этилиши, қадрсизланиши ва бошқа омиллар ҳисобидан ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилганлиги узоқ муддатли моддий активлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш имкониятини юзага келтиради.

4. Халқаро ва миллий стандартлар ҳамда трансформация талабларига мувофиқ келадиган «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот» шаклининг мазмуни ва таркибининг такомиллаштирилиши ҳисоботни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва «Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот»лар асосида бевосита ва билвосита усуллар ёрдамида тузиш имкониятини беради. Бу масаланинг методологик ечими сифатида трансформация формулалари ишлаб чиқилганлиги ҳисоботни тузишни қўлайлаштиради, унинг маълумотлари тўғрилиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

5. «Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот» таркибида устав капитали акциядорлик капитали ҳамда ҳиссали капиталга ажратиш, шунингдек, акциядорлик капиталининг таркибини тўлиқ шакллантириш ва унда оддий акция (номинал қиймати), имтиёзли акция, захирадаги акция ва жами акциядорлик капитали суммаси учун алоҳида устунлар ва уларнинг ҳаракатини акс эттирувчи сатрлар ажратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштиради ва унинг фойдали ахборотларни ташувчанлик қобилиятини оширади. Ушбу ҳисоботнинг янги шакли таклиф этилганлиги ҳисобот шакллариининг бири-бирига узвий боғлиқлигини ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосидаги трансформациясини таъминлайди.

6. Ишда «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»ни «Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқлиги ҳамда уларнинг таркибини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги корхона активларининг нафақат соф фойда ҳисобидан, балки бошқа тўплам даромадлар ҳисобидан ҳам кўпайишини таҳлил қилиш имкониятини яратади. Бу эса корхоналарнинг молиявий натижаларига тўлақонли баҳо бериш учун зарур ахборотларга эга бўлишини таъминлайди ҳамда молиявий таҳлилнинг сифатини оширади.

7. Тадқиқот жараёнида ички фойдаланиш мақсадида «Маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисобот» шакли ҳамда жараёнли костинг тизимида контрибуция ёндашувининг (Variable Costing) қўлланилиши бўйича услубий тавсияларнинг таклиф этилганлиги корхоналарда доимий харажатларни назорат қилиш имкониятини ошириш орқали маҳсулот бирлиги таннархини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни кўзда тутди.

Илмий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши мамалакатда инвестицион муҳитни яхшилашга хизмат қилади, маҳсулот таннархини пасайтиради, халқаро фонд биржаларига молиявий ҳисоботларни тақдим этиш имкониятини оширади, қабул қилинаётган қарорларнинг ўз вақтидалиги ва самарадорлигини таъминлайди ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.17.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАШНАЗАРОВ САМИДДИН НИЗАМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ И
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ ФИНАНСОВОЙ
ОТЧЕТНОСТИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ
ЭКОНОМИКИ**

08.00.08 – Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент - 2019 год

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2DSc/Iqt49.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте экономики и сервиса.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Уразов Комил Бахромович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Курбанов Зият Ниязович**
доктор экономических наук, профессор

Туйчиев Алишер Жураевич
доктор экономических наук, профессор

Дусмуратов Реджепбай Далатбаевич
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный экономический университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.17.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амир Темура, 60А. Тел.:(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером ____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. АмираТемура, 60А. Тел.:(99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(протокол реестра рассылки № ___ от «___» _____ 2019 года).

И.Н. Кузиев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, доцент

С.У. Мехмонов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

Ж.И. Каримкулов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, кандидат экономических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Процесс углубления глобализации и интеграции стран мира усиливает заинтересованность их в переходе на общепризнанные международные нормы и стандарты, а также является причиной усиления требований, предъявляемых к соблюдению. Это непосредственно касается бухгалтерского учета и отчетности, которые выступают в качестве общепринятого «языка международного бизнеса». На сегодняшний день в мировом масштабе внедрены в практику «1 концептуальная основа, 29 Международных стандартов бухгалтерского учета (МСБУ) и 17 Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) и 33 интерпретаций к стандартам»¹. В странах мира в настоящее время финансовую отчетность в полном соответствии с МСФО добровольно составляют все акционерные компании, занимающиеся различными видами деятельности, транснациональных корпораций, имеющих дочерних и зависимых организаций по всему миру. Число стран и компаний, признаваемых МСФО оэтому из года в год все больше увеличивается. Приведение учета и отчетности в соответствие с международными стандартами, на основе чего достижение гармонизации подготовки и предоставления финансовой отчетности на мировом масштабе, эффективное использование передовых опытов на национальном уровне являются самыми актуальными вопросами для всех государств.

В мире исходя из современных требований, особое внимание уделяется научному исследованию вопросов унификации финансовой отчетности в условиях интеграции экономики, с целью улучшения инвестиционного климата в развивающихся странах приближения национальных стандартов бухгалтерского учета к международным стандартам, методологическим вопросам конвергенции и гармонизации финансовой отчетности, а также совершенствование методологической основы классификации, признания, оценки элементов финансовой отчетности и их отражения в отчетах. В результате этих исследований удалось добиться усовершенствования признания и отражения в финансовой отчетности финансовых инструментов, операционных сегментов, результатов совместной предпринимательской деятельности, оценки в справедливой стоимости, выручки по договорам, а также вопросов дополнительной финансовой отчетности. Однако высказанные результаты по совершенствованию теоретических и методологических вопросов финансовой отчетности еще полностью не внедрены во всех странах, а также применение МСФО предусматривает учет особенностей в каждом государстве.

В нашей стране выполнены широкомасштабные работы по приведению финансовой отчетности в соответствие с МСФО, укреплению их нормативно-

¹ <https://www.ifrs.org.ua/mezhdunarodny-e-standarty-finansovoj-otchyotnosti/>; www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/

правовой основы, достигнуты соответствующие результаты. Установлены обязательный порядок составления финансовой отчетности на основе МСФО, проведения их аудита, опираясь на международные аудиторские стандарты, публикации финансовой отчетности. На сегодняшний день в результате внедрения международных стандартов «более, чем 700 акционерных обществ, 5008 предприятий с иностранными инвестицией»² переходят на составление финансовой отчетности на основе МСФО. Однако эти достигнутые результаты не означают, что в нашей республике полностью решены проблемы финансовой отчетности. Нужно отметить, что, исходя из стратегических задач, существует ряд проблем по совершенствованию финансовой отчетности. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах решение приоритетной задачи – «внедрение современных международных стандартов и методов корпоративного управления, усиление роли акционеров в стратегическом управлении предприятиями»³ - предусматривает конкретных задач по признанию и широкомасштабному внедрению МСФО как важного стандарта для перехода к качественному менеджменту. Обеспечение выполнения поставленных задач обусловлено необходимостью осуществления научно-исследовательских работ по совершенствованию подготовки и предоставления иностранным инвесторам и другим пользователям необходимой информации по средствам финансовой отчетности, отвечающим требованиям международных стандартов, методологии трансформации финансовой отчетности на основе МСФО, а также по разработке новых форм финансовой отчетности.

Данная диссертационная работа в определённой степени послужит решению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах» за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 годах» за №УП-5544 от 21 сентября 2018 года, «О мерах внедрения современных методов корпоративного управления акционерных обществ» за №УП-4720 от 24 апреля 2015 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан» за №ПП-3946 от 19 сентября 2018 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении Положения о критериях оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйствующих субъектах, имеющие государственную долю» за №207 от 28 июля 2015 года и других нормативно-правовых актах, касающихся бухгалтерского учета и финансовой отчетности.

² Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Тошкент 2017. 146-бет.

³Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 УК-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования, связанные с совершенствованием финансовой отчетности и решением научно-теоретических и методологических проблем, проводятся в ведущих мировых научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе The International Accounting Standards Board (IASB), American Institute of Certificate Public Accounting (AICPA), Institute of Charter Accounting in England and Welles (ICAEW), Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche, Ernst & Young, KPMG, Nottingham Trent University (Великобритания), Международном университете Вестминстера (Великобритания), Московском экономическом университете (Россия), Финансовом университете при правительстве Российской Федерации (Россия), Ташкентском государственном экономическом университете, Ташкентском финансовом институте, Самаркандском институте экономики и сервиса (Узбекистан).

В результате проведенного исследования получены результаты по усовершенствованию теоретической и методологической основы финансовой отчетности: на основе разработки международных стандартов финансовой отчетности (IFRS) и их интерпретаций обоснованы правила составления и предоставление финансовой отчетности (International Accounting Standards Board, American Institute of Certified Public Accountants); предложены формы финансовой отчетности, отвечающие требованиям МСФО, и методология составления отчета о прибылях и убытках согласно системы абзопшин костинг (absorption costing), составления отчета о денежных потоках с применением прямых и косвенных методов (Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche ва Ernst & Young, University of California at Davis); определены влияние на показатели экономического роста страны, а также на улучшение состояния финансово-экономического кризиса путем всевозможного достижения уместного и объективного отражения финансовой отчетности (University of Chicago, Texas state university, IASB); усовершенствованы методологические вопросы консолидации финансовой отчетности, финансовых инструментов, дополнительной финансовой отчетности (IASB, University of Memphis, Santa Clara University); обоснованы необходимость, риски и проблемы при переходе к МСФО в странах мира, а также

⁴ Тема диссертации подготовлена на основе зарубежных научно-исследовательских пояснений - www.library.princeton.edu; <https://www.cebr.com>; <http://www.ucalgary.ca>; www.forbes.com/colleges/stanford-university; <https://www.universityofcalifornia.edu>; en.nagoya-u.ac.jp; <https://www.ifrs.org/groups/international-accounting-standards-board/>; <https://www.aicpa.org/>; <https://www.icaew.com/>; <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ru/.../ifrs-in-your-pocket-2016-ru.pdf>; https://gaap.ru/upload/iblock/354/iuppwbfp_tyvv%20fzvh%20ohcg%20stkr_2012_1-30.pdf; 147. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf> и из других источников

разработаны пути их решения, методология трансформации финансовой отчетности на основе МСФО (Финансовый университет при правительстве Российской Федерации, Институт профессиональных бухгалтеров и аудиторов России, Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт, Самаркандский институт экономики и сервиса).

В целях усовершенствования нормативно-правовых, теоретических, организационных и методологических основ финансовой отчетности в мире ведутся исследования по нижеследующим приоритетным направлениям. К ним относятся: переход, применение или приведение в соответствие с международными стандартами финансовой отчетности в развивающихся странах; методологические вопросы гармонизации финансовой отчетности, формирования транспарентной финансовой отчетности и компиляции финансовой отчетности; совершенствование составления финансовой отчетности по МСФО, трансформации к международной финансовой отчетности и консолидации финансовой отчетности, составленные в государствах с разными национальными валютами, и корпоративная финансовая отчетность; с целью предварительного преодоления банкротства и обеспечения устойчивого экономического роста повышение полезности, достоверности и информационной загруженности финансовой отчетности; совершенствование методологии по определению влияния бухгалтерских рисков на качество финансовой отчетности и формирование информации в бухгалтерских отчетах.

Степень изученности проблемы. Зарубежными учёными-экономистами, такими как М.Р.Метьюс, П.Айнсворт, К.Д.Ларсон, Р.Либби, Р.Х.Хермансон, Р.Энтони, Б.Нидлз, Ф.Вуд и другими учеными⁵ рассмотрены и исследованы теоретические и концептуальные основы финансовой отчетности, а также методологические вопросы признания, оценки и отражения в финансовой отчетности активов, обязательств и собственного капитала; в своих работах Ж.Д. Списеленд исследует вопросы финансовых инструментов и дополнительной финансовой отчетности (additional financial reporting), Д.Алихандер - вопросы гармонизации финансовой отчетности (harmonization)⁶; вопросы применения МСФО в своих странах исследуются такими учёными, как В.П.Астахов, В.Качалин, М.И.Кутер, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, В.И.Ткач, В.Г.Гетман, Т.Ю.Дружиловская⁷.

⁵ Ainsworth, Penne. Introduction to Accounting: An integrated Approach /Penne Ainsworth, Dan Deines, R. David Plumlee, Cathy Xanthaky Larson. Irwin, Printed in USA, 2005. 425 p.; Anthony, Robert Newton. Accounting principles /Robert N. Anthony, James S. Reece, D.B.A. - 7th edition, Irwin, 2006.686 p.; Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 2004. 926 p.; Larson, Kermit D. Financial Accounting /Kermit D. Larson, Paul B. W. Miller.6th ed. Irwin, 2005.686 p.; Libby, Robert.Financial accounting /Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short.Irwin,PrintedinUSA, 1996. 848 p.

⁶ Spiceland J. David. Intermediate accounting. /J.David Spiceland, James F. Sepe. Mark W. Nelson/ 7 th ed. 2013; International Financial Reporting and Analysis, 4- Edition. D. Alexander, A. Britton, A.Jorissen. 2009. 39-59-p

⁷ Я. В.Соколов. Очерки по истории бухгалтерского учета.–М.: Финансы и статистика, 1991.–400 с.; В.Ф.Палий. Международные стандарты финансовой отчетности.–М.: ИНФРА-М., 2003–456с.;М.И.Кутер.

